

Mustaqillik huquq demakdir

# Нишқид



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2014-yil 8-may, №19 (904)

## ИНСОН ХОТИРА БИЛАН АЗИЗ, ҚАДР БИЛАН УЛУФ

*Хотира ва қадр ҳеч қачон эскирмайдиган туйғу, инсонийликнинг энг улуғ, энг ардоқли мезони. Бу ташунчалар замирида инсонга, унинг қадр-қиммати, шаъни ва хотирасига эҳтиром мужассам. Барча тирик мавжудотлардан инсоннинг буюклиги, улуғлиги, устунлиги, азизлиги ва муқаррамлиги ҳам хотирага эга эканлигида. Фақат инсонгина хотира туйғули ўтмишини, аждоллари қиёфаси, меҳнати, жасорати ва маънавий-руҳий қобилиятини кўз ўнгидан гавдалантира олади. Яхши ва ёмон хислатлардан ўзи учун хулоса чиқаради ва келажакни тасаввур этиб, эзгу хислатларни авлодларга мерос қолдиришга интилади.*

Демак, хотира аждод ва авлодлар узвийлигини, яъни ўтмиш ва бугунни ҳамда келажакни бирлаштирадиган кўприқдир. Шу туйғули ҳам Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 9 май — "Хотира ва қадрлаш куни" деб эълон қилиниб, ҳар йили мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Бунинг замирида, табиийки, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида "хотира — муқаддас, қадр — абадий" деган туйғуни шакллантириш ва уларнинг маънавий оламини кенгайтиришдек эзгу мақсадлар мужассам.

Юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб айнан 9 майнинг белгилангани ҳам бежиз эмас. Шўролар даврида биз бу кунни Иккинчи жаҳон урушида боболаримиз немис-фашист босқинчилари устидан эришган улуғ ғалаба кунни сифатида нишонлар ва элу юрт озодлиги учун бўлган аёвсиз жангларда шахид кетган аждодларимиз жасоратини хо-

тирлар, уларнинг шижоати, ватанпарварлигидан фахрлар, урушдан соғ-саломат ёки ногирон бўлиб қайтган фахрийлар билан учрашувлар уюштирардик.

Бундан ўн беш йил олдин бу сана Хотира ва қадрлаш куни деб белгиланганидан кейин унинг маъно-мазмунни тубдан ўзгарди. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, барча вилоят ва туманлар марказларида аввал "Номаълум солдат" деб ном олган, қандайдир мавҳум гоёни ифода этадиган ёдгорлик ўрнига "Мотамсаро она" ҳайкали барпо этилди. Бу биринчи навбатда, мазкур сананинг асл инсоний моҳиятини очиб берди. Эндиликда 9 май мамлакатимиздан Иккинчи жаҳон урушига кетиб қайтмаган минглаб инсонлар хотираси олдида бош эгиб таъзим қилинадиган, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтириладиган, эзгу мазмунга эга маросим кунидир.

Шунингдек, бу байрам эн-



дилликда нафақат Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни хотирлайдиган кун, балки барчага дахлдор санага айланди. Чунки, ҳозирги кунда урушда ва уруш туйғули ҳалок бўлганларни эмас, балки узоқ ва яқин тарихда оиласининг бахти, юртининг ободлиги, элининг бахтиёрлиги учун хизмат қилган, бу ёруғ оламга келиб, инсон сифатида яшаб ўтган ҳар бир юртдошимизни унутмаслигимиз, унинг авлодлари учун бажарган савоб ишларини хотирлаб қадрлашимиз лозим.

"Мотамсаро она" ҳайкали... Чексиз қайғуга чўмган Онаизор тимсолида жигарбандининг тирик эканига, унинг эсон-омон бағрига қайтишига умид қилиб ўтган минг-минглаб оналарнинг тақдири, уларнинг соғинч ва изтироб туйғулари акс этган. Хотира майдонидан миллий услубда бунёд этилган пешайвонлардаги лавҳаларга ўша мудҳиш урушда ҳалок бўлган барча юртдошларимизнинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу — мамлакатимизда инсон хотираси муқаддас, унинг

қадр-қиммати азиз ва мўътабар эканлигини ифода этади. Бизнинг болалигимиздагига ўхшаб эндиликда фарзандларимиз 9 майда ваҳима солиб, парадда майдондан ўтадиган жанговар техникаларни томоша қилишмайди. Балки боболари, момолари ёки ота-оналари ҳамроҳлигида Хотира майдонига боришади. Хотира китобидан аждодларнинг номи ахтариб топиб, уларни ёд этишади, "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гуллар қўйишади.

[Давоми 3-бетда]

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 11 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**  
**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**  
Ушбу Қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.  
Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:  
жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш;  
давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш;  
давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш;  
давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги

ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш.

**2-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳуж-

жатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг очиклигини таъминлашга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши: жисмоний шахсларнинг шахсига доир маълумотлардан фойдаланишини таъминлаш тартибига;

[Давоми 6-7-бетларда]

## Инсон ҳуқуқи — олий қадрият

Буюк давлатни, адолатли жамиятни ҳар жиҳатдан етук авлодига қура олади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда фарзандларимиз камолга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга мисоллар, далиллар жуда кўп. Фикриямизни биргина амалга йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилинганлиги билан ҳам изоҳласак бўлади. Ахир биз учун фарзандларимизнинг соғлом ва баркамоллигидан ортироқ бахт борми?!

## Келажак камоли йўлида

Азизбек МАМАТХОДЖАЕВ,  
Андижон шаҳар прокурори

2014 йил 19 февралда Юртбошимизнинг "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Давлат дастурининг устувор вазифалари сифатида соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бу борадаги қўлай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни, янги қоида ва метёерларни ишлаб чиқиш белгиланди. Бу эса ўз ўрнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, прокуратура органлари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган билан бир қаторда, амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Андижон шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Андижон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шiori остида ўтказилган ёшлар фестивали ҳам ана шу эзгу мақсадларга йўналтирилган.

Андижон шаҳридаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокидаги ёшлар ўртасидаги гиеҳвандликнинг олдини олиш, одам савдоси ва терроризмга қарши курашиш мақсадида ташкиллаштирилган мазкур фестивал куй-қўшиқлар, шўх рақслар билан ҳамоҳанг тарзда катта байрам тусини олди. Тадбир давомида мавзуларга оид очик дорслар, иншолар, расмлар танловлари, прокуратура, ички ишлар, ОИТС маркази, наркодиспансер мутахассислари иштирокида давра суҳбатлари ҳамда "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Қайд этиш жоизки, мазкур меҳнат ярмаркасида шаҳардаги 60 дан ортиқ корхона, ташкилот, хусусий фирмалар ўзларидаги мавжуд 350 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. "Вилоят сувқоқа" корхонаси 60 та, "Болт қурилиш сервис" МЧЖ 50 та, "Ал Машъал", "Андижон Бегимноси" МЧЖлари 40 тадан, "Тажриба-синох заводи" 20 та бўш иш ўрини тақдим қилди.

Шу кун "Тоҳметал" ОАЖнинг ходимлар бўлими бошлиғи Одинахон Мамасиддиқованинг саъй-ҳаракати билан 4 нафар ёшлар тоарликка ишга олинди. Яна фрезеровщик, электр пайвандчилар билан ҳам меҳнат шартномаси тузилди. Шунингдек, Андижон педагогика коллежининг меҳнат таълими йўналиши ўқувчиси Камола Раҳимова "Анд-Бегимнон" МЧЖ билан меҳнат амалиётини ўташ ва шу корхонада ишлаб қолиш учун шартнома тузди. У чевариликка жуда қизиқади.

Бундан ташқари, шаҳардаги 30-умумтаълим мактабининг 100 нафардан зиёд ўқувчилари "Гиеҳвандлик — аср вабоси" мавзусидаги давра суҳбатиди, шунингдек, иншо ва расмлар танловида иштирок этди.

Шуниси қувонарлики, ёш расомларнинг "Оғусиз дунё сари", "Терроризм — инсоният қушандаси", "Қўлинка рози бўлманг!", "Азиз тенгдош, оғох бўл!" каби шиорлар остида ишлаган расмлари тенгдошларини гиеҳвандлик, терроризм, одам савдоси каби иллатларга нисбатан аёвсиз бўлишга ундай олган. Зеро, фестивалдаги расмлар фақатгина голиблик учун эмас, балки атрофдагиларни бу иллатлардан асраб қолиш мақсадида яратилган.

Ёшлар фестивали давомида "Мерос" ансамбли, 2-муסיқа мактабининг иходкор ёшлари ҳамда мактаб, коллежлардаги истеъдодли ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, гиеҳвандлик, одам савдосига қарши кураш мавзусидаги сахна кўринишлари олқишлар билан қарши олинди.

Тадбир якунида асримизнинг энг жирканч иллатларига қарши курашиш мақсадида тайёрланган кўргазмалар, ёзилган иншо, чизилган расмлар вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ва ташкилотчилик томонидан муносиб тақдирланди. Энг муҳими, фестивал давомида ёшларимиз гиеҳвандлик, терроризм, одам савдоси каби иллатларга қарши курашиш борасидаги билимларини янада бойитдилар. Бундай иллатларга нисбатан ўз нафратларини яққол кўрсата олдилар. Шу билан бирга, Ватанга садоқатларини, миллий қадриятларимиз, боболаримизнинг асрий урф-одатларига чекисиз ҳурматларини ифодаловчи куй-қўшиқлар билан буюк юрт фарзанди эканликларини, бир мақсад учун — мустақил Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўиш учун ягона куч сифатида бирлаша олишларини намойиш этдилар.

Ф уқароларнинг ваколатли давлат органлари га ҳар қандай шаклдаги муурожаатлари ҳал этилишининг қонунийлиги эса прокуратура органларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахслар муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги 37-сонли ҳамда 2006 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида иш юришти ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида"ги 65-сонли буйруқлари билан тасдиқланган Ўйриқномалар ижроси эъзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада асосий эътибор фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатларнинг қонунда белгиланган муддатларда, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқилишини таъминлашга, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Прокуратуранинг шахсий қабулига муурожаат этаётган ҳар бир фуқарога қонун талаблари, муурожаатлари ҳал этиш тартиби ва муддатлари эъзасидан батафсил тушунтиришлар берилмоқда.

2014 йилнинг 3 ойида вилоят прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатлар сони 3425 тани ташкил этиб, шундан 1366 таси бевосита прокуратура

ходимлари томонидан ҳал қилинди, 139 таси асосли деб топилиб, қаноатлантирилди, 83 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланшига эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишлари янада қисқартириш, улар тақдим этилган ҳисобот тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш эъзасидан зарур чора-тадбирлар қўриллапти. Тадбиркорлик фаолиятига қонунчилик аралашмиш, уларнинг фаолиятини ташкил этишдаги ҳар қандай тамагирлик, бюрократия ва бошқа тарздаги қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида вилоят прокуратураси органларида "007" рақамли ишонч телефонлари ташкил этилган. Вилоят прокуратураси ходимлари томонидан ишонч телефонлари орқали келиб тушган муурожаатларнинг кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Текширишлар давомида прокурор назорати ҳужжатлари орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари қўрилламоқда. Масалан, Олмалик шаҳрида яшовчи Г.Барқайбаев Олмалик шаҳар прокурори номига ариза ёзиб, иш ҳақини олишда амалий ёрдам беришни сўраган. Аризани текшириш жараёнида унда келтирилган далиллар ўз исботини топди. Прокуратуранинг аралашуви билан иш ҳақини ўз вақтида тўлаш чорасини кўрма-

Бегали ЗОИРОВ,  
Тошкент вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

ган "АСУ Технологи" МЧЖ директори А.Никитинга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ва у энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорда жарима жазосига тортилди. Ариза та муаллифига ололмаган иш ҳақининг тўлаини таъминланди.

Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркор Н.Расулованинг ўз ҳисоб рақамидан 3 млн. сўм миқдорда нақд пул маблағини бериши ҳақидаги аризаси "Микрокредитбанк"нинг Зангиота туман филиали мансабдор миқдордаги томонидан ўз вақтида ҳал этилмаган. Бу ҳолат унинг Зангиота туман прокуратурасининг ишонч телефонига муурожаат қилишига сабаб бўлган. Муурожаат ўранилган, банк бошқарувчиси ўринбосари О.Султанмуратовнинг интизомий жавобгарликка тортилиши ҳамда тадбиркорга 3 млн. сўм миқдорда нақд пул маблағлари берилиши таъминланди.

Айрим жойларда фуқароларнинг муурожаатларига бепарволик билан муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Чунончи, "Стекло плас бизнес" МЧЖ раҳбари Б.Абдуваҳобовнинг ўзига тегишли бўлган савдо дўкони ёки ва иншоотлари бузилиши ёни бузилмаслиги ҳақида маълумотнома тақдим этиш тўғрисидаги аризаси Қўрибай тумани архитектура бўлими мутахассиси К.Достаева томонидан ўз вақтида ҳал этилмаган, асосий равишда ортиқча тўлов тўлаши лозимлиги тақлиф этилган. Унинг вилоят прокуратурасининг ишонч телефонига қилган муурожаатига асосан К.Достаеванинг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилиб, тадбиркорга маълумотнома берилиши таъминланди.

## Ҳар ерни қилманг орзу...

Хайрулло ҲАСАНОВ,

Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ёмонликнинг ранги бўлмаганидек, жиноятнинг, жиноятчининг ҳам миллати йўқ. У инсон маънавияти чегараларини бузиб, нафсга қул қилиши кимлар учундир бир баҳялик вақт талаб этади. Жонаорлик Тожиддин Ҳамамов ҳам ана шу бир сониямик хаёлот дунёсини забт этган орзулар тўғрисида жиноятга қўл урганини сезмай қолди.

2009 йил охирида Россия Федерациясининг Москва вилояти Ступино шаҳрига пул топиш учун келган Т.Ҳамдамов тезда ишга киришиб кетди. Қўлидан иш келади, тил билади, спортнинг дзюдо тури билан шугулланади. Бошида ҳаммаси яхши кетаётган эди...

Севдиёр Остонов ҳам Ватанни тарк этиб, ўзга юртнинг нони ширин бўлади, деган орзу билан Россияга 2011 йилда бориб қолди. Аммо иссиқ йўл, мана пул деб, кучоқ очиб кутиб олганлар бўлмади. У қурилишда ишлаб юриб, арзиманган маош олгандан кейингина кўзи очилгандек бўлди. Таниши — олотлик уста Файратга дилини ёрди.

— Тинмай ишлаймиз, ойликнинг аҳоли эса бу. Яхшироқ иш топиб беришга ёрдам қилинг, — деди қўйналганини айтиб.

— Жондорлик билан танишим бор. Анча жойлашиб олган "посредник". Агар хоҳласангиз, телефон рақамини бераман.

Ушбу суҳбат сабаб Севдиёр Тожиддин Ҳамдамов билан танишиб, унинг тақлифига кўра Ступино шаҳрига келди. Севдиёр қўлидаги фуқаролик паспортини "посредник"ка бериб қўйганидан кейингина янада баттар аҳолга тушганини пайқайди. Олти киши яшаш учун мўлжалланган вагонда на иситиш тизими, на ювиниш хонаси бор бўлиб, девор-

лардаги тахталарга ин қуриб олган каналар кечаси билан чақиб, ҳолдан тойдирса-да, чидаб келатган Севдиёр "Катта маош олсам, ҳамма азобларни унутман", деган тасалли билан вақт ўтказарди. Ававалига Алексей, кейин эса Женя исмли иш бевручлилар қўлида мажбурий тарзда ишлатилган Севдиёр ва Ўзбекистоннинг турли худудларидан борган йигитлар Тожиддин Ҳамдамовнинг "қармоғи"га илиниб, одам савдоси жиноятининг жабрдийдаларига айланмишди. Улар Ватандан йироқда, очлик тўғрисида ахлат ашиқларига ташланган, муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиб яшашга мажбур бўлишди.

Инсоннинг сабр-қаноати етса, ҳамма қийинчиликларни енгиши мумкин. Аммо адолатсизликка, гурурининг топталлишига чидай олмаслигини ўз юртдошларини пуллаган, миллат шаънини ўйламаган киши қаердан ҳам билинса? Бундай кимсалар учун ҳамма нарсда ўлчов нафс, мезон пул, бойлик билан белгиланган.

Не-не азоблар билан Ўзбекистонга қайтган С.Остонов ҳуқуқини ҳимоя қилишларини сўраб, ҳуқуқ-тартибот идораларига муурожаат қилди. Одам савдоси жиноятини билан шугулланган келган Тожиддин Ҳамдамов жиний жавобгарликка тортилди. Бу масаланинг бир жиҳати. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, бегона юртдан фароғат истаган, пул, бойлик ортириш мақсадида ишлашга кетаётганлар Ватанимизда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида амалга ошириллаётган чора-тадбирлар, имқониятлардан самарали фойдаланган, оиласи бағрида, ҳалол меҳнат билан хотиржам умргузаронлик қилишса, мақсадга мувофиқ бўларди.



# Юракларда уйғоқ туйғу

"Уруш фахрийлари, иштирокчилари ва урушда қурбон бўлганларнинг оилаларидан тушаётган кўплаб итимоснонамаларни, халқимизнинг, жамоат ташкилотларининг билдираётган хоҳиш-иродасини инобатга олиб, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб, ҳалок бўлганларнинг, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғонлари хотирасини абадийлаштириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида 9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинсин...". 1999 йилнинг 2 мартда Президентимиз томонидан имзоланган Фармонда ана шундай дейилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур фармон эълон қилинишидан бироз олдин, аниқроғи, 1999 йилнинг 15 январда бундай эзгу ишга пойдевор қўйилди, яъни юрт озодлиги, тинчлиги, осойишталиги йўлида жон фидо этган фарзандлар номини, жасоратини, садоқатини ёдга олиш, руҳларини шод этиш мақсадида пойтахтимизда Хотира майдони барпо этилди.

Куриляётган мазкур ёдгорлик мажмуидаги ишларни кўздан кечирар экан, Президентимиз Ислам Каримов бунёдкорларга йўл-йўриқлар, тавсиялар берди. Ва ўшанда журналларда: "Биз нафақат ўтганларни хотирлашимиз, балки бугун ҳаёт бўлганларни қадрлашимиз, ҳурматини жойига қўйишимиз зарур. Қадрлаш деганда фақат уруш қатнашчиларига эмас, қарияларимизга, ота-оналаримизга, барча ақилларимизга эҳтиромни тушунайлик. Шу маънода бу кун ўзига хос аҳамият касб этади", дея интервью берди. Хотира ва қадрлаш кунининг маъмул-моҳиятини, аҳамиятини ҳам изоҳлаб берди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг амалий ёрдами туфайли МДХ ичида биринчилардан бўлиб, бизда галабанинг 50 йиллиги муносабати билан 34 жилдлик "Хотира" китоби нашр этилди. Мазкур китобдан 431 мингдан зиёд эътиборлики жаңгилар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Хотира ва қадрлаш куни илк нишонланган 1999 йилда Мустақиллик майдонидан бунёд этилган Хотира мажмуига мардларча ҳалок бўлган аждодларимиз номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Қолаверса, галабанинг 60 йиллиги муносабати билан "Хотира" китобига кирмай қолган 15590 нафар юртношимизнинг номлари излаб топилиб,

"Нуроний" жамғармаси ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида китобнинг қўшимча жилди чоп этилгани бу борадаги эзгу ишларимизнинг давоми бўлди. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг ўзи ҳам юрт учун жон фидо этганлар абадий ардоғимизда, эъзозимизда эканлигидан далолат беради.

Ҳар йили Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисидаги фармони эълон қилинади. Таъкидлаш жоизки, мазкур Фармон фашизмни ер юзидан улқотиб ташлашда мардлик, матонат кўрсатганларга чукур ҳурмат ва эҳтиром намунасидир. Уларни эъзозлашимизнинг, қадрлашимизнинг бир кўринишидир.

Шуни таъкидлаш керакки, хотира ва қадрлаш туйғулари ўзига хос бир қадрият сифатида қон-қонимизга синган. Дунёдан ўтган аждодларимизни эсلاш, хотирлаш, уларнинг чирогини ёқиб, эзгу ишларини давом эттириш фарзандларга ўғит сифатида айтилади. Ҳа, миллат, халқ даҳоси ҳам ана шунда. Яъни тарихини, аждодларини унутмасликда, уларнинг қадрига етишида. Ахир тарихи, хотираси йўқ миллатнинг истиқболли бўладими?! Халқимиз эркини, озодлигини, юрт тинчлиги, Ватан равнақини матонат билан ҳимоя қилган мард, фидойи юртношимлар эъзозлаш, қадрлаш ҳам азалий оdatларимиздандир. Истиклол бу гўзал қадриятларимиз, оdatларимизга бугун ўзгача маъно бахш этди. Хотира ва қадрлаш кунининг белгилангани, бу туйғуларнинг янада улғуланаётганини ана шундай тушунаман.

Хотира ва қадрлаш туйғулари уйғоқ экан, бу ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Улар миллат фидойиларини эслаш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини англашади. Юрти-

миз озодлиги, ободлиги, фаровонлиги йўлидаги ишлар ўз қадрини, эъзозини топшини ҳис қилишади.

Ватан ҳимоячилари ҳам Хотира ва қадрлаш кунини муносиб қутиб олиб, шу ёруғ кунлар учун жон фидо этганларни ёдга олишади, фахрийларни эъзозлашади. Уруш ва меҳнат фахрийлари, Куролли Кучлар фахрийлари билан турли мавзуларда учрашувлар ташкил этилади. Жойларда Ватан ҳимоячилари билан ҳамкорликда "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинларининг вилоят ва республика босқичлари ўтказилади. Мамлакатимиз мустақиллиги йўлида жон фидо этган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, оила аъзолари ҳолидан хабар олиш, госпиталларда даволанаётган ҳарбий хизматчилар ҳузурига мунотажам равишда ташрифлар уюштирилишини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин. Шунингдек, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирокида ҳарбий қисм ва муассасаларда турли мавзуларда давра суҳбатлари, мавзулар уюштирилишини яхши билемиз. Ҳарбий хизматчиларимиз шу дориланом кунлари йўлида жон фидо этганларни хотирлаб, Мотамсаро она, вилоятларда эса Хотира майдонларидаги ёдгорликлар поёйга гулчамбарлар қўйишади.

Мамлакатимиз ҳудудий ақллитлигини, халқимизнинг тинч-солтисига ҳаётини сақлаш, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган она-юрт ҳимоячилари байрамларда ёдга олинади, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Буни инсонпарварликнинг, эъзоз ва эҳтиромнинг олий қадрият даражасига кўтарилгани, дея эътироф этиш мумкин. Буларнинг барчаси давлатимиз-

нинг, халқимизнинг ўз фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигидан далолатдир. Хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларимизнинг оилалари ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бошқармалари томонидан оталиққа олинган. Ҳар бир байрамда, шу жумладан, Хотира ва қадрлаш кунини ҳам бундай оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Ватан, халқ учун жон фидо этган фарзандларнинг доимо хотирланиши, руҳларининг шод этилиши ёш авлоднинг бундай қадриятларимиз таъсирида шаклланишида муҳим омилдир.

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусафолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларни эъзозлаш халқимизга хос эзгу феълалардандир.

Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони урушда ҳалок бўлган юртношимларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган бошқаримизга, оғир кунларни сабр-бардос билан енгган момоларимизга кўрсатилётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул муқофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилади.

Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони жангларда бевосита иштирок этган. 500 мингга яқин юртношимларимиз урушда ҳалок бўлганини, қанчаси бедарак кетганини, қанчаси майиб-мажру бўлиб қайтганини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг халқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай катта ҳисса қўшганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бугун орамизда бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамоатчилигимизнинг доимий эътиборида турибди.

Илгари 9 май асосан Фалаба байрами сифатида бутун

**Баходир ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокурори ўринбосари

СССР ҳудудида катта дабдаба билан нишонланарди. Қизил майдонларда ҳарбий парадлар ўтказилар, пионер ва комсомоллар, ишчи ва деҳқон синфи вакиллари саф тортиб ўтарди, минбарда эса шўро дохийлари турар эди. Афсуски, бундай манзарани бугун ҳам собиқ совет ҳудудидаги айрим мамлакатларда кўриш, кузатиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу санага Хотира ва қадрлаш куни деб ном берилганидан кейин унинг маъно-маъмули тубдан ўзгарди. Пойтахтимизда, барча вилоят ва туман марказларида аввалги "Номалум солдат" деб ном олган, қандайдир маъмул гоёни ифода этадиган ёдгорлик ўрнига "Мотамсаро она" хайкали ўрнатилди. Бу биринчи навбатда мазкур сананинг асл инсоний моҳиятини яққол очиб беради.

Эндиликда 9 май куни мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган миллионлаб одамлар хотираси олдида бош эгиб таъзим қиладиган, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтириладиган, эзгу маъмулга эга маросим тусини олди.

Ўтганларни ёдга олиш, хотирлаш, уларнинг охирати обод бўлишини тилаш айнан Мотамсаро она сиймоси орқали намойён бўлмақда. Чексиз қайғуга чўмган Онаизор тинчсолида жиғарбандининг тирик эканига, унинг эсон-омон ўз бағрига қайтишига умид қилиб ўтган минг-минглаб оналарнинг тақдирини, уларнинг соғинч ва изтироб туйғулари акс этган.

Хотира майдонидан миллий услубда бунёд этилган пешайвонлардаги лавахаларда ўша мундир урушда ҳалок бўлган барча юртношимларимизнинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу уларнинг жасорати ва матонатига таб берishi, уруш фожиаларидан сабоқ чиқаришга қаратилгандир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон хотираси муқаддас, унинг қадр-қиммати азиз ва мўътабар эканини ифода этади.

# Инсон хотира билан азиз, қадр билан улғу

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Бу дунёдан ўтиб кетган ота-боболаримизни хотирлаш, уларнинг яхши ва ибратли хислатлари ҳақида сўзлаб бериб, ёшларни улардан ўрнак олишга ундаш қон-қонимизга сингиб кетган қадрият. Хотирадан жудо бўлган миллат эса асрлар буйи куллик асоратини бошидан кечирган. Буни қарангки, вақти-соати етиб, истибод қишанларини парчалашда ҳам айнан хотира, аниқроғи, ёвқур аждодлар руҳи мадад берган. Хотира эрксевар наслар улғайишида, мустамлака зулмига қарши курашларда муқаддас шиор, сарбаланд ялов бўлган.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Тарихий хотирасиз келажак йўқ". Ота-боболаримиз руҳига таяниб, ўзлигини англаб, ўз тақдирини ўзи белгиллаш ҳуқуқини қўлга киритиб, мустақил мамлакатнинг муаззам қошоносини бунёд этаётган эл буюк келажакни яратишда ҳам, шубҳасиз, хотиранинг теран ва мустаҳкам пойдеворига таянади. Ушбу ҳақиқат мамлакатимизда аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий-маданий

меросга, тарихий-меъморий обидаларга, шарқ тафаккурининг беқиёс дурдоналарига кўрсатилётган муносабатда, эътибор ва эъзозда ёрқин акс этмоқда. Мустақиллик йилларида Ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бошқалар уларнинг олдидagi буюк хизматларининг улғуланиши ва бу улғу зотлар хотирасига бунёд этилган ёдгорликлар тўлиқ таъмирланиб, уларга қайта жон бахш этири-

лиши халқимиз кўксини осмон қадрар юксалтирди.

Бугун юртношимларимиз инсон хотираси муқаддас ва олам сарвари бўлган одам ҳамisha қадрлашга лойиқлигини яхши билиши. Шу боис, улар ўтганлар руҳини шод этиш, улар мангу қўним топган муқаддас жойлар — қабристонларни ободонлаштириш, эл-юрт учун хизмат қилганлар номини абадийлаштириш соҳасида улғу ва улкан ишларни амалга оширмоқдалар. Бу савоб ишдан ҳеч ким



Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«Нуқуқ»

четда қолаётгани йўқ. Яқин ўтмишда қабристонларнинг ҳамма томони очик бўлиб, қадрлар устида моллар ўтлаб юрарди. Шукрки, ҳозирги кунда ободонлаштирилмаган қабристонлар қолмади. Фарзандлар ота-боболарининг сўнги манзилни ажрата оладиган, унинг ён-атрофини тозалаб, қўчат экиб, гул қўйиб, ёдга оладиган бўлишиди.

9 май куни эрта тонгдан ҳар биримиз хотиралар оғушида бўламиз. Марҳумлар хотирасига эҳтиром келтирамиз, жанггоҳларда қурбон бўлган юртношимларимиз хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар поёйга гулдасталар қўямиз, шу азиз Ватан, халқ манфаатлари йўлида жон фидо этганларни, ўзларидан яхши ном қолдирган азиз инсонларни ёд этамиз. Сўнгра пиру бадавлат кесалар ҳузурига йўл оламиз. Дийдор фанимат деб, уларни эъзозлаб, дуоларини олиб, маслаҳатларидан баҳраманд бўлишга ошиқамиз. Зеро, инсон хотира билан тирик, қадр билан улғудир.



# Эътиборсизликка ўрин йўқ

**Вазирлар Маъжасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароринда бу соҳадаги қонунлар ижроси ўстидан назоратни кучайтириш, улар ўртасида солид этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари синчиклаб ўрганилиши ҳамда бартараф этилиши юзасидан қатъий бошқарув кўриш прокуратура зиммасига юклатилган.**

Бу эса вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган қонунлар ижросини таъминлашда зиммамизга жиддий масъулият юклайди. Ёшлар тақдирига ким эътиборли муносабатда, ким лоқайд? Маъмур соҳадаги қонунлар ижросига бепарволик қандай оқибатларни келтириб чиқармоқда? Бу масъулият ана шуларни аниқлаш ва ҳуқуқий баҳо беришдан иборат.

Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам фарзандлар қамолликда улуғ масъуллар йўлида самарали фаолият олиб боришда. Масалан, вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан Тўрақўрғон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методи таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида маънавий тарғиботчилари ва психологлар маркази фаолияти йўлга қўйилди. Чунки ўсимлик даврида болалар жуда таъсирчан, билиб-билмай нотўғри йўлга киришга мойил бўлишади. Табиийки, бу ёшдаги болалар билан ишлашда малакали психологлар хизматига эҳтиёж сезилади. Шундан келиб чиқиб, 2012-2013 йилда йўлга қўйилган бир қатор мактабларда олий маълумотли ва катта тажрибага эга психологлар фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 7-9-синф ўқувчилари учун "Қундалик рейтинг

дафтери" ишлаб чиқилиб, жорий этилди.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси бўйича бажарган ишларимизнинг бир-икки йиллик натижаларини таҳлил этар эканмиз, айниқса, Вазирлар Маъжасининг 2012 йил 26 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган бўлиб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шойлиқ чоралар тўғрисидаги конвенцияни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида"ги Қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратганимизни таъкидлаш ўринли. Умуман олганда, 2013 йил мобайнида болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олишга қaratилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларимиз натижаларига кўра 563 та прокурор назорати ҳужжатлари қўланилди. Бу каби чора-тадбирлар натижасида 195 нафар боланинг ҳуқуқлари тикланди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўз ташласангиз, уларнинг барчасида таълим олишнинг мажбурийлиги, узвийлиги ва изчиллиги бosh мезон этиб белгиланганига ғувоҳ бўласиз. Биз ҳам ушбу талабларнинг сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор қаратаймиз. Шу мақсадда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давомати масаласи доимий назоратга олинишига ҳаракат қилинмоқда. Чунки назоратсиз қолган ўқувчи ўзи билмаган ҳолда жиноят ва ҳуқуқбузарлик кўчасига кириб қолиши мумкин. 2013 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 42 та таълим муассасасида давомат ўрганилганда 2765 нафар ўқувчи ҳеч қандай сабабсиз дарсларга қатнашмаётганлиги маълум бўлди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида улар яна дарслар

га қатнай бошладилар. Утган йил давомида бу борада ўтказилган текширишлар якунига кўра 60 нафар шахсининг интизомий, 27 нафарининг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Шу ўринда аниқ мисолларга тўхталиб ўтсак. Наманган шаҳридаги 39-мактаб ҳамда 49-мактабнинг айрим ўқувчилари дарсга бормай, "Сардоба" бозорида юк ташиб юрганлиги аниқланди. Иккала ҳолат бўйича таълим муассасалари масъул ходимларига нисбатан хизмат текшируви тайинланди, ўқувчиларнинг ота-оналари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, тасдиқланган режа асосида шаҳар ва туман ҳокимликлари, ички ишлар бўлиmlари билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишга дарсларга қатнашмаётган ўқувчиларнинг ота-оналари билан тушунтириш ишлари олиб боришда. Уларга таълимнинг мажбурийлиги, фарзандларининг ўқув муассасаларига келиб-кетишини назорат қилмайдиган ота-оналарга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жавобгарлик белгилангани тушунтирилмоқда.

Болаларимизнинг жисмоний ва ахлоқий тарбияси билан мунтазам шуғуллансак, улар жиноят кўчасига кириб қолишмайди. Шу боис, вилоятимизда йигит-қизларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, 2003-2013 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жағмағмаси ҳисобидан вилоятимизда 140 та спорт иншооти барпо этилди. Ушбу хайрли ишлар бу йил ҳам давом эттирилади.

Ҳозир вилоятимизда 512 минг 295 нафар ўқувчи спорт ва бошқа тўғраларга қатнашяпти. Шундан 39 нафари бевосита прокурорлар ташаббуси билан жалб этилган. Бунинг самараси ўларок, ўтган йили коллеж ва лицейларнинг 10 нафар ўқувчиси спортнинг кикбоксинг, шотакан каратэ-до, бокс,

**Шерзодбек ТҲУТАБОВ,**  
Наманган вилоят прокурори ўринбосари

футбол, сув полосо, белбоғли кураш, даюдо турлари бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этиб, совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.

Умуман олганда, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси бўйича ўтказилган 257 та текшириш натижасига кўра 407 та тақдирнома, 142 та протест киритилиб, 1242 нафар шахс интизомий, 638 нафари маъмурий, 573 нафари моддий жавобгарликка тортилди. 73,4 млн. сўм моддий зарарнинг ихтиёрий равишда тўланишига эришилди. 3,4 млн. сўмлик зарарни ундириш ҳамда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, муомала лаёқатини чеклаш юзасидан судларга 69 та даъво аризаси киритилди, 48 та жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, 9-синф битирувчиларини лицей ва коллежларга тўлиқ жалб этиш, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича самарали прокурор назорати ўрнатилмоқда. Жойларда таълимнинг мажбурийлиги, эрта турмушнинг салбий оқибатлари ҳақида босма материаллар тайёрланиб, шаҳар ва туманлардаги мактаб ҳамда маҳалларга тарқатилмоқда.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан ўтган йилдан бошлаб коллеж битирувчиларига дипломларни тантанали равишда топшириш маросимларини ўтказиш йўлга қўйилди. Бундай тадбирлар вилоятимиздаги 107 та коллежда ташкил этилиб, 8194 нафар битирувчига диплом, ишга жойлашганлик ҳақидаги буйруқ, меҳнат шартномаси ва меҳнат дафтарлари топширилди.

Гап миллатнинг эртанги тақдирининг юртинг келажаги ҳақида кетар экан, бу борада эътиборсизликка йўл қўйиб бўлмайди.

## Газ идорасидаги қонунбузилишлар

**Истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида туман прокуратураси томонидан кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, бу борада "Вазирлар Маъжасининг туман филиалида ўтказилган текшириш мобайнида бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани маълум бўлди.**

Жумладан, филиал ходимларининг аҳолидан йиғиб олинган тўловлар — нақд пуллари нисбатан қанчалик қўриқилганлиги аниқланди. Чунончи, нозир О.Абдубаннопов ўтган йилнинг январь ойидан ноябрь ойигача истеъмолчиларнинг 6 млн. 130 минг сўм миқдоридagi нақд пуллари нисбатан қанчалик қўриқилганини аниқлади. 2013 йил мобайнида филиалнинг 117 нафар ходими О.Абдубаннопов каби истеъмолчилардан фойдаланишда табиий газ тўлови учун йиғиб олинган жами 244 млн. 125 минг сўмдан зиёд нақд пуллари тўғридан-тўғри банк кассасига топширмасдан, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган. Шахсий эҳтиёж учун сарфланган пулларнинг ўрни эса ходимларнинг аризалари асосида иш ҳақларидан ушлаб қолинган маблағлар ҳисобига қопланиб турилган. Шу тариқа, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга оид қонун талаблари, республика Марказий бан-

ки томонидан тасдиқланган юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари, нақд пуллари қабул қилиш ва топшириш ҳамда касса ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби қўпол равишда бузилган.

Амалдаги қонун-қоидаларга биноан, истеъмолчи фойдаланилган газ учун шартномада белгиланган муддатларда ҳақ тўламаган тақдирда, тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдориди, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ҳисобланиши кўзда тутилган бўлиб, туман филиалида ушбу қонун талабларига риоя этилмаган. Муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган 12602 нафар истеъмолчига 50 фоиздан ортиқ миқдорда, жами 748 млн. 226 минг сўм ортиқча пеня ҳисобланиб, қонунга зид равишда қарздорликларига қўшиб қўйилган. Масалан, Езёнов ҚФЙнинг Беруни маҳалласида яшовчи М.Каримовнинг муддати ўтган қарздорлигига филиал ходимлари томонидан

84 фоиз миқдорда, яъни 229 минг сўмдан зиёд пеня ҳисобланган.

Бундан ташқари, табиий газ етказиб берилмаган истеъмолчилардан тўловлар ундириш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 28 та ҳудуд табиий газ тармоғидан узилиб, газ етказиб бериш тўхтатилган. Ушбу ҳудудларда жойлашган Қатортол ва Шарқ юлдузи қишлоқ врачлик пунктлари, 14 ва 18-сонли умумтаълим мактаблари, 14-мактабга таълим муассасасидан 33 минг сўмдан тортиб 401 минг сўмгача, жами 710, 8 минг сўм тўлов ундирилган.

Филиалнинг компьютер дастуридан истеъмолчиларнинг даврий харажатлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар танлов асосида олиниб, солиштирилганда 31 та хонадондаги газ ҳисоблаш ускунаси қўрсаткичлари филиал дастури базасига нотўғри киритилиши оқибатида истеъмолчиларга аслида истеъмол қилинмаган салкам 89 минг куб метр газ сарфи ноқонуний ҳисоблангани аниқланди. Чунончи, фуқаро М.Жумабоевнинг хонадонини меъёрий тўловга ўтказиш учун тузилган далолатномага кўра, газ ҳисоблагич қўрсаткичи 3300 куб метрдан иборат бўлгани холда, филиалнинг электрон базасига 13048 куб метр миқдорда киритилиб, ушбу истеъмолчига 9745 куб метр ёки салкам 1 млн. 780

минг сўмлик фойдаланилмаган газ сарфи юклаб қўйилган.

Худди шунингдек, филиалнинг улгуржи истеъмолчилар билан ишлаш бўлими томонидан етказиб берилмаган газ учун тақдим этилган ҳисоб-фактуралар асосида тўловлар амалга оширилиб, бюджет маблағлари нотўғри сарфланган. Хусусан, туман тиббиёт бirlашмасига қарашли болалар табиобатхонасининг газ ҳисоблагич кўрсаткичлари филиалдаги мавжуд маълумотларда ортиқча кўрсатиб келиниши оқибатида етказиб берилмаган 26 минг куб метрдан зиёд ёнилиги учун ҳисоб-фактуралар асосида тўловлар амалга оширилган.

Туман филиалида қувурларга табиий газ етказиб бериш ва уни тарқатишда эксплуатация ва технологик йўқотишлар сарфларини ҳисоблаш бўйича методи қўлланилган талабларига зид равишда 2013 йилнинг олти ойи мобайнида тузилган далолатномаларда соатларни ошириб кўрсатиш ҳисобига ҳақиқатда аварияларда йўқотилмаган 3 млн. 323 минг сўмлик 109 минг куб метрдан зиёд табиий газ ортиқча қўшиб ёзилиб, ҳисобдан чиқарилган.

Филиал раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишовчи 12 нафар ходим белгиланган тартибда мажбурий сугурта қилинмаган. Сойбўйи қишлоғидаги

**Мирзохид ДЕХҚОНОВ,**  
Езёнов туман прокурори

7-сонли мактаб ҳудудида жойлашган газ тақсимлаш қурилмасининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари қўрилмаган. Яъни газ тақсимлаш қурилмасининг атрофи ўралмагани етмаганидек, назорат эшиги носоҳ ҳолатда бўлиб, монументар давлат киёсов кўригини ўтказилмаган. "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг санатор хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя этилмаган.

Туман прокуратураси томонидан истеъмолчилар билан фойдаланилган газ учун нотўғри ҳисоб-китоб қилиниши, уларнинг зиммасига қонунга зид равишда қарздорлик юклатилиши, улардан ортиқча ҳақ ундирилиши, аҳолидан йиғиб олинган нақд пул маблағларининг банк кассаларига белгиланган тартибда ва муддатда топширилмаслиги ҳамда хавфли ишлаб чиқариш иншоотларини муҳофаза қилишга лоқайд муносабатда бўлиш каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Бундай қонунбузилишларга ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қонун доирасида чоралар қўрилди.



Жувоз айланб турса бас, пул оқиб келаверади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини эса харидорлар суриштириб ўтирмайдилар.

## Айлан жувоз, пул ишла!

Файрат АЛИКУЛОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Чирокчи туман бўлими бошлиғи

Чирокчи туманининг Чу-вуллоқ қишлоғида яшовчи фуқаро Акмал Чоршанбиев ана шундай хаёллар билан жувоз ускунаси ўрна-тиш ва ёғ ишлаб чиқаришга қарор қилди. Бу хуфиёна иш учун энг қулай жой ўзига қарашли бўлган фермер хўжалигининг дала шийпони эди. Бу ерда пахта толаси ишлаб чиқарувчи ускунанинг ҳам борлиги айни муддао бўлди. Чунки жувоз асосан пахта толаси ажратиб олинган чигитдан ёғ ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди.

Хуллас, Акмал Чоршанбиев "Айлан жувоз, пул ишла!", дея шийпонда ўрнатилган ускунани ишга тушириб юборди. Албатта, маҳсулот ишлаб чиқариш ва эл дастурхонининг тўқилишига ҳисса қўшиш хайрли иш. Шу боис ҳам мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусий тадбиркорлар сафи қанча кенгайса, шунча яхшилиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Аммо қайси бир соҳада бўлмасин, тегишли идораларнинг рухсатисиз, хуфиёна тарзда маҳсулот ишлаб чиқариш қонунга зид ҳисобланади ва бундай фаолиятга чек қўйилади.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Чирокчи туман бўлимига тушган маълумотномага кўра ўтказилган тезкор тадбир ҳам ана шу мақсадда амалга оширилди. Акмал Чоршанбиевга қарашли бўлган "А.А.Аслбек" фермер хўжалигининг дала шийпони кўздан кечирилганда, яширин тарзда ишлаётган қўлбола жувоз мосламаси ва пахтани чигитдан ажратадиган ускуна борлиги маълум бўлди. Юқорида айтганимиздек, фуқаро А.Чоршанбиев пахта чигитидан ёғ маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида маҳаллий ҳокимият органларидан рухсатнома олмаган ва бундай фаолиятини тегишли тартибда ҳужжатлаштирмаган эди. Гарчи қилаётган ишнинг қонунга зидлигини билса-да, А.Чоршанбиевнинг ноқонуний фаолиятини тўхтатишга бўйни ёр бермади.

"Хуфиёна иш — келтирар ташвиш", деганларидек, энди айлан жувоз, пул ишла, дейишга имкон қолмади. Жиноят очилди ва 4 млн. 800 минг сўмлик моддий товарлар, жумладан, жувоз ускунаси, электрокабеллар, ёғ маҳсулоти, пахта титиш ускунаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Чунки бу хуфиёна жувозда ишлаб чиқарилган ёғ маҳсулоти нафақат сифатсиз, балки инсон соғлиғи учун зарарли бўлиб, уни истеъмолга чиқариш инсонлар соғлиғига тузатиб бўлмас зийн етказарди. Ҳўққ-тартибот идоралари ходимлари томонидан бунинг олди олинди.

Жиноят ишлари бўйича Чирокчи туман судининг ҳўқмига кўра Акмал Чоршанбиевга қилмиши учун қонун доирасида жазо тайинланди.

# Доллар ишқидаги аёллар

Қай бир ишга қўл урманг, аввало, оқибатини ўйламоқ даркор. Яъниким, "Бу ишим тўғрими, эртага афсус қилиб, наломат чекиб қолмайманми?" деган саволни ўзимизга беришимиз керак. "Етти ўлчаб — бир кес", "Ҳисобини билмаган — ҳамёнидан айрилуру" нақллари шунга айтилган.

Англаган бўлсангиз, юқорида баён этган нақлларида ҳар ишда ҳалол-поклик, тўғри йўлни дўст тутмоқ, қонунни ҳамроҳ билмоққа ишора бор.

Зотан, ҳар ишни қонуний йўл билан амалга оширсангиз, хотиржам бўласиз, уялиб ҳам қолмайсиз. Кўзлаган ниятнингизга етасиз. Аксинча, ўйламай иш тутганларнинг манзили пушаймонликдан ўзгаси бўлмайди.

Чортоқ туманидаги коллежалардан бирида ўқувчи бўлиб ишлаб келаятган, оилали, икки фарзанднинг онаси бўлган Дилнур Хуррамова ҳам

буни биларди. Чунки, ёши қирққа чиқиб, оқдан қорани ажрата оларди. Бунинг устига, олий маълумотли, ўқиган-ўққан аёл.

Аммо у билганига амал қилмади. Оқибатда эгри ишга қўл уриб, ўзига ташвиш орттирди. Дилнур Хуррамова ёши чамаси йигирма саккизларда бўлган таниши Дилобар Ҳақимова билан олиндан ўзаро жиноий тил бириктиради. Яъни биргаликда доллар савдосидан даромад топлмоқчи бўлишади. Қонунчиликда валюта қимматлиқларини айир-бошлашга фақат банк муассасаларигагина рухсат этилган-

лигини ким ҳам билмайди, дейсиз?! Айтиб ўтганимиздек, бу қойда Дилнур ва Дилобарга ҳам аён эди. Бироқ, икки дугона осон даромад орттириш ҳақида ўйлашди-ю, бундан кўз юмишди. Улар "Чортоқ деҳқон бозори" ҳудудида бир фуқарога 5561 АҚШ долларини 15 млн. 349 минг сўмга сотаётган пайтда қилмишлари фош бўлди. Улардаги 5561 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди.

Афсуски, ҳамма ҳам мақсад-муддаосига етишда тўғри йўлни танлаб билмас экан. Дилнур Хуррамова ва Дилобар Ҳақимова ҳам ана шу тоифадан бўлиб чиқшди. Тўғри, улар адашганликларини англаб етишди, аммо кеч бўлганди.

Қинғир иш оқибатида икки дугона Ўзбекистон Республи-

Баҳодир КОБИЛОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Чортоқ туман бўлими бошлиғи

каси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилдилар. Уларга суд томонидан ҳўқи чиқарилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдоридан жарима жазоси тайинланди. Улардан ашёвий далил сифатида олинган 5561 АҚШ доллари давлат эгаллигига ўтказилди.

Ҳўш, ушбу тафсилотдан муддао нима? Хўлосани муқтарам ўқувчи аллақачон чиқариб олган бўлса керак, яъни бойлик ҳам, бахт ҳам, омад ҳам ҳалолликда. Демак, аввало, ҳар ким ўз олдида тўғри мақсад қўймоғи ва унга эришиш учун пок йўлдан бормоғи шарт.

## Калта ўйлаган раҳбар

Баҳодиржон АҲМАДЖОНОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бектемир туман  
бўлими катта инспектори

Кейинги йилларда йўловчи ташини транспорти соҳасида амалга оширилаётган изчи илоҳотлар натижасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиб, йўловчи-лар ҳўқуқини ҳимоя қилиш борасида ҳам самарали тизим барпо этилди.

Бироқ, соҳада камчиликлар ҳам учраб турибди. Давлатимиз томонидан яратиб берилган бундай имкониятларга қарамаздан, йўловчи ташини фаолияти билан шуғулланувчи айрим ташкилотлар раҳбарлари тизимдаги қонунларимизни четлаб ўтаётганликлари ҳеч бир ҳўқуқонга сиймайди.

"Auto system trading" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Миррасул Сагатов шундай раҳбарлардан экан. Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтиб, 2011 йилдан фаолият кўрсата бошлаган МЧЖ пойтахтимизда йўловчи ташини билан шуғулланиб келган. Хизмат кўрсатишдан келаятган миллионларни кўрган раҳбарнинг

нафси устун келиб, нияти бузилади. Шунингдек, у қонунлари устувор юрtdа жиноятга жазо муқаррарлигини билса-да, буни ҳеч ким сезмайди, деган хаёлга бориб, калта ўйлайди. Ноқонуний бойлик орттириш мақсадида ДСИга сохта рақамлар киритган ҳолда ҳисоблар тақдим этади. Яъни 2011-2013 йиллар давомида хизмат кўрсатишдан тушган 638 млн. 299 минг сўмдан ортик нақд пулни яшириб, давлат бюджетига 26 млн. 546 минг сўмлик солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлайди. Бу ҳам етмагандек, жамиятнинг 17 нафар ходимига ойлик маош ҳисоблашда турли баҳоналар билан даромад солиғи олмаганлиги натижасида ҳам давлатга 4 млн. 325 минг сўм зарар келтиради.

"Ўзим хон, қўланкам майдон" қаби-лида иш тутмоқчи бўлганлар қаттиқ янглишадилар. Қинғир ишнинг қийғи

бир кун албатта фош бўлади. М.Сагатовнинг қилмишлари ҳам ҳўқуқ-тартибот идоралари томонидан фош этилди.

М.Сагатовга нисбатан кўзғатилган ишни атрофчила кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди бағрикенглик ва кечиримлик тамойилларига амал қилиб, Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига асосан жиноят ишлари тўғрисида, унга имкон берди. Умид қиламизки, М.Сагатов бундан ўзига тегишли ҳўлоса чиқариб, қонуний фаолият олиб боради.

## «Ишда қоламан десанг...»

Ислом ШЕРОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Самарқанд вилоят  
бошқармаси бўлими бошлиғи

Ибрагим Амиров "Самарқандшахаргаз" филиалининг "Боғшамол" ҳудудий фойдаланиш бўлими бошлиғи лавозимда ишлаб келарди. Бир куни бўлим назоратчилари Амин Вафоев ва Бўрибой Қаршиевларни ҳўзурига чақиртирган бошлиқ уларнинг ишидан бироз камчилик топиб, ишдан бўшатил билан кўрқита бошлади.

— Ишда қоламан десаларинг, ҳар бирингиз шу бугунгок менга 50 доллардан берасизлар, — деди у сўзининг охирида.

— Бизда бунча пул йўқ, қаердан берамиз? — назоратчилар шундай деганча хонадан чиқиб кетишди.

Бироздан сўнг у бўлим назоратчилари Зокир Ҳайитов ва Илҳом Ҳамраевларни таклиф қилди. Уларга ҳам дўк-пўписаси қилиб, ишдан бўшатаман, дея таҳдид қилди. Сўнгра бироз юмшаган киши бўлиб: "Эллик доллардан олиб келсаларинг, ишда қоласизлар", деди.

Аслида назоратчиларни ишга олиш ва бўшатил Ибрагим Амировнинг вазифасига кирмасди. Шундай бўлса-да, "Оқоридагиларга айтиб, ишдан четлатаман", дея уларни оғир аҳволга солиб қўйди.

Амин билан Бўрибой унинг гапига қўл силтаб, вазифаларини баҳарлига кетишди. Зокир ва Илҳом эса ишдан кетишдан кўрқиб, бир-бирига маслаҳат сола бошлашди.

— Менда ҳозир 50 доллар йўқ, сен мен учун ҳам пул бериб тур, — илтимос қилди Илҳом.

Зокир шу қуни тушликкача бир таннишдан 100 доллар топди. Улар овқатланишга бошлиқки ҳам таклиф қилишди. Самарқанд шаҳридаги ошхоналардан бирида учовлон тушлик қилиб, шу ерда И.Амировга 100 АҚШ доллари беришди.

Хуллас, бошлиқнинг дўк-пўписаси бесамар кетмади. Назоратчилар ишда қоладиган бўлишди. Бироқ, "Самарқандшахаргаз" филиали "Боғшамол" ҳудудий фойдаланиш бўлими бошлиғининг қувончи узоққа чўзилмади. Унинг тамағирлигига чидай олмаган йигитлар ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилишди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилган, Ибрагим Амиров қилмишидан астойдил пушаймон бўлиб, айбини тан олди. Суд ҳўқми билан у 2 йил муддатта маъсул мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳўқуқидан ва 3 йил-у 6 ой муддатта озодликдан маҳрум қилинди.

Илми, изланувчан, ҳалол тадбиркорларнинг парвози балана бўлмоққа. Фақат ўз манфаати йўлида, ҳатто амалдаги қонун-қоидаларни писанга этмай фаолият юритаётганлар эса, куни келиб "аттанг" леб қолмишлари аниқ. Марғилон шаҳрида яшовчи тадбиркор Зўҳриддин Ғофуровнинг ҳам ўз айби билан боши деворга тегди. Соғир этган қинғир қилмиши оқибатида "аттанг" деми.

## Йўлдан озган тадбиркор

Мирзоҳид ТОШМАТОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Фарғона шаҳар бўлими бошлиғи

У Фарғона шаҳар ҳокимлиғи ҳўзуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2010 йил 25 октябрь куни давлат рўйхатидан ўтказилган "Фарғона Феруз Сервис" хўсуий корхонаси раҳбари лавозимда ишлаб келган. Мансаб ва ишлар ривожини уни ҳўвлиқтириб юборди. Бюджетга тўланиши шарт бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик эвазига бойлик орттириш ташвишига тушиб қолди.

3.Ғофуров дастлаб, корхона томонидан 2013 йилнинг биринчи ярми давомида пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 826914,4 минг сўмлик керосинни нақд пул эвазига сотиб юборди, сотувдан тушган пулни эса назорат-касса машинасига кириб қилмайди. Шунингдек, 2013 йил биринчи ярмида корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига маҳсулот учун 6201708,2 минг сўм пул маблағи келиб тушган бўлса-да, шу давр учун ДСИга тақдим этилган солиқ ҳисоботларида қолдиқ кўрсатилмаган ҳолда 5637737,9 минг сўмлик маҳсулотлар сотилганлиги ҳақида ҳисобот тузилди. Бунинг натижасида эса, 563970,3 минг сўм солиқ базаси камайтириб кўрсатилади. Оқибатда давлатга тўланиши керак бўлган 69544,2 минг сўм солиқлар қасддан тўланмайди.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида хўсуий корхона раҳбари бўлган 3.Ғофуровга тааллуқли жиноят иши кўриб чиқилди. Судланувчи ўзига қўйилган айбга тўлиқ иқрор бўлиб, пушаймонлик билдирди.

Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар, деган тамойилга мувофиқ унга қонунда белгиланган тартибда ҳўқи ўқилди. Унга қўра, у узил-кесил ўташ учун 2 йил муддатта мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳўқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади фойдасига ишлаб қолган ҳолда унга нисбатан 3 йил муддатта ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан аризалар, таклифлар ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш тартибига;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатларини амалга ошириши муносабати билан улар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органларига ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибига;

тақдим этилишининг ўзига хос хусусиятлари бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотнинг айрим турларига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### 4-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигининг асосий принциплари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳаммининг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги;

улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини таъовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этиши.

#### 5-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар кирди:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар-амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра сўхбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (ҳудуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган (ташқиқ этиладиган) очик танловлар (тендерлар) ва кимосди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тўзилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот рўйхатини ушбу модда қодаларига мувофиқ тасдиқлайди.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари), уларнинг қўмиталари (доимий комиссиялари), комиссиялари очиклики таъминлаш мақсадида ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот, шу жумладан режалаштириладиган мажлислар ва тадбирлар, кўриб чиқиши мўлжалланган масалалар, қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборот ўз вақтида эълон қилинишини (чоп этилишини) таъминлайди.

#### 6-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш, агар мазкур ахборот қонунда белгиланган тартибда давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чеклаб қўйилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотларнинг рўйхати, шунингдек маълумотларни бундай ахборот жумласига киритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### 7-модда. Ахборотдан фойдаланувчи ва унинг ҳуқуқлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчидир.

Ахборотдан фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотни олиш ва тарқатиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган ахборотни олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан мувожаат этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишни рад этиш.

Ахборотдан фойдаланувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 8-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар кирди:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан ахборотдан фойдаланувчиларнинг фойдаланишини таъминлашга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини белгилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилинишини ташкил этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар мониторинг қилинишини ҳамда доимий равишда комплекс баҳолашини ташкил этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларни белгилаш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган ахборот рўйхатини тасдиқлаш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотларнинг рўйхатини тасдиқлаш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги эълон қилиниши (чоп этилиши) лозим бўлган ахборот материалларини тасдиқлаш;

ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиш тартибини белгилаш;

ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан монеликсиз фойдаланишини таъминлаш, ушбу Қонун 6-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган ахборотнинг ўз вақтида берилишини ва ишончлилигини таъминлаш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан тегишли чоралар кўриш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 9-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий нашрлари;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг, шунингдек ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва баёнотлари;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг хабарлари;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий веб-сайтларининг материаллари;

оммавий ахборот воситаларининг материаллари.

#### 10-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизмати

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифаларини бажарувчи, шунингдек оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминловчи таркибий бўлинмаси ёхуд ушбу вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган шахс давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматидир (бундан буён матнда ахборот хизмати деб юритилади).

Ахборот хизмати оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва ҳоказоларни) тарқатиш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради. Ахборот хизмати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот тарқатишининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усулларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ахборот хизматининг фаолиятини ташкил этиш тартиби давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан белгиланади.

#### 2-боб. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш тартиби



### 11-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш усуллари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш усуллари қуйидагилардан иборат:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш);

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгилаб бориш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш;

ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш) ва ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

### 12-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш)

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий нашрлари, расмий веб-сайтлари, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши мумкин.

### 13-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ушбу органларга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга тегишли бўлган ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация қилинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурслар.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида ушбу Қонун 5-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ахборотдан ташқари қуйидагилар жойлаштирилиши мумкин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот (биографик маълумотлар, фуқароларни қабул қилиш кунлари ва ҳоказо);

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг телефон рақамлари ҳамда почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати телефонларининг ва ишонч телефонларининг рақамлари, жамоат транспортнинг қатнов йўллари, тўхташ жойларининг номи ва йўналиш рақамлари;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари, шунингдек ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахслар чиқишларининг ҳамда баёнотларининг матнлари; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида оммавий ахборот воситалари вакилларининг аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ҳамда ахборот тусидаги шарҳлар;

аризаларни, таклифларни, шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида ахборот;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

келиб тушган аризаларни, таклифларни, шикоятларни, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида мувофиқ уларнинг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида ахборот давлат тилида жойлаштирилиши керак. Расмий веб-сайт бошқа тиллардаги шаклларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган ахборотнинг санаси қўйилган бўлиши ҳамда у вақти-вақти билан янгилаб борилиши керак. Ахборотни янгилаб бориш даврийлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан белгиланади, лекин у ҳафтасига бир мартадан кам бўлмаслиги керак.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши керак ва у оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эга бўлади.

### 14-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларга жойлаштириш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўзлари эгаллаб турган ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарда ва (ёки) бошқа ажратилган жойларда тегишли органнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот билан ахборотдан фойдаланувчилар танишиши учун ахборот стендларини ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситаларни жойлаштириши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот стендларида ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситаларда қуйидагилар бўлиши керак:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумот хизмати телефонларининг, ишонч телефонларининг рақамлари;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг режалаштирилаётган очик ҳайъат мажлислари тўғрисидаги ахборот;

аризаларни, таклифларни ҳамда шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот стендларида ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситаларда қонун ҳужжатларида мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

### 15-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этади.

### 16-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳайъат мажлислари очик тарзда ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўзларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши тартиби ушбу органларнинг тегишли норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

### 17-модда. Оммавий ахборот воситалари вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши таъминлаш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятининг очиклигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида аккредитация қилиниши амалга оширилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакилларини ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор қилади, уларга ўз касбига доир вазиқларини бажаришда қўмақлашади.

Оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакиллари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлиб ўтқадиган очик ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш; аккредитация қилувчи органнинг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларига аккредитация қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда кириш;

очик ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш; аккредитация қилувчи органнинг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ҳамда олиш, оммавий тадбирларнинг ёзувлари билан танишиш ҳамда улардан кўчирма нусхалар олиш;

олинган ёзувлардан оммавий ахборот воситалари материалларини тайёрлашда фойдаланиш.

Оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакиллари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 3-боб. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни кўриб чиқиш тартиби

#### 18-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров (бундан буён матнда сўров деб юритилади) ахборотдан фойдаланувчининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақида ушбу органларга ва (ёки) уларнинг мансабдор шахсларига йўлланадиган озаки ёки ёзма шаклдаги (шу жумладан электрон ҳужжат шаклидаги) талабидир.

#### 19-модда. Сўровни кўриб чиқиш мuddатлари ва тартиби

Ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик мuddатда кўриб чиқишлиши керак.

Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьосини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кунлик мuddатда кўриб чиқилади.

Агар ахборотдан фойдаланувчининг сўровини кўриб чиқиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатларига кирмас, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, ахборотдан фойдаланувчи эса бу ҳақда хабардор қилинади.

Расмий нашрларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган (чоп этилган) ёхуд расмий веб-сайтларда жойлаштирилган ахборот сўралганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари сўровига бериладиган жавобда сўралаётган ахборот эълон қилинган (чоп этилган) расмий нашрнинг, оммавий ахборот воситасининг номи, чиқарилиш санаси ҳамда рақамини ва (ёки) сўралаётган ахборот жойлаштирилган расмий веб-сайтнинг электрон манзилини кўрсатган ҳолда ҳавола бериши мумкин.

Агар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олинган сўров бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ваколатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмаса, ахборотдан фойдаланувчига сўров рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида тегишли жавоб юборилади.

Сўров рад этилган тақдирда ахборотдан фойдаланувчига асосланган жавоб юборилади.

#### 20-модда. Сўровга қўйиладиган талаблар

Жисмоний шахснинг сўровида унинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Юридик шахснинг сўровида юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма сўровлар ахборотдан фойдаланувчининг шахсий имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Сўровни шахсий имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, у қўшимча равишда тузувчининг ҳам фамилияси, исми, отасининг исми қўйилган ҳолда унинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ахборотдан фойдаланувчини идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган сўров аномим ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Сўров унда қўйилган масалалар юзасидан ахборот тақдим этиш ваколатига қирадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига ёки мансабдор шахсга юборилади.

Белгиланган тартибда юборилган сўров кўриб чиқишлиши шарт.

#### 4-боб. Яқунловчи қоидалар

#### 21-модда. Низоларни ҳал этиш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### 22-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### 23-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

#### 24-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

# Аҳил оиланинг фарзанди соғлом бўлади

Истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб юртимизда жисмонан соғлом, ақдан етук авлодни камол топтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу боис, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг такомиллашган, мустақкам ҳуқуқий базаси яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси ҳамда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуларда бу йўналишдаги ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган.

Хар бир йил бўйича қабул қилинган махсус Давлат дастурлари доирасида болаларнинг қонуний манфаатлари таъминлашни назарда тутувчи кенг қамровли чора-тадбирлар комплекси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Хозирги кунда дунё аҳолисининг 2 миллиард 700 минг нафари болалар бўлса, мамлакатимизда бу кўрсаткич 10 миллион 500 минг нафардан ортиқ бўлиб, вояга етмаганлар аҳолининг катта фоизини ташкил этади.

Ватанимизнинг тақдир ва келажаги учун масъулият ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламадаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш мақсадида республикамизда 2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниб, бу борада Юрбошимизнинг "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу дастур 7 бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, у жорий йилдаги устувор вазифаларни ва йўналишларни белгилаб берган. Аввало, унда соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу борада янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш белгиланган. Шунингдек, соғлом боланинг дунёга келиши масаласига соғлом ва аҳил оиланинг меваси сифатида қараб, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқ ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, оналик ва болалик муҳофазасини таъминлаш, она ва боланинг саломатлигини мустақкамлаш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариши, уларнинг рўзгор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳам дастурдан ўрин олган. Шу билан бирга, соғлом болани вояга етказишда, патологияларсиз болалар туғилишида соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт ходимларининг роли ва масъулиятини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мус-

тақамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича кенг қўламли ахборот-тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилиши белгилаб қўйилган. Яна бу муҳим ҳужжатдан соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизimini тубдан ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам ўрин олган. Айниқса, бу вазифаларни амалга оширишда, яъни соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган ёрдам ва маддади қўлайтириш, соғлом болани тарбиялаш бўйича илғор халқаро тажрибани амалда жорий этиш кўрсатиб ўтилган. Жумладан, дастурда соғлом болани, айниқса, қиз болаларни тарбиялаб вояга етказишда, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаш учун уларга кўмак бериш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамини ўз вақтида ва манзилли кўрсатиш борасида маҳалла ва бошқа жамоат тузилмаларининг масъулиятини кучайтириш ҳам таъкидланган. "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари ҳамда унинг баҳарлиги тўғрисида кенг

Шукрулло ЛУТФУЛЛАЕВ,  
Бош прокуратуранинг  
ОУК тингловчиси

ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш, бунда оммавий ахборот воситаларининг, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларининг ва интернет тармоғининг имкониятларини фаол ишга тушириш қайд этилган. "Соғлом бола йили" Давлат дастуридидаги тадбирларни бажариш учун эса жорий йилда 4,5 триллион сўмдан ортиқ ва 302,9 млн. доллар миқдоридан маблағ сарфланиши режалаштирилди.

Манбаларда қайд этилишича, жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол ўсиб келаётган авлодни вояга етказиш бўйича "Соғлом бола йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштиришга 2014 йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобига қарийб 1 триллион сўм миқдоридан маблағ йўналтирилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Болаларни асрайлик" ("Save the children") халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гамҳўрлик кўрсатидиган ўнта мамлакат қаторидан жой олганини, яъни 161 та давлат ичида тўққизинчи ўринни эгаллаганини эътироф этиш жоиз.

## Огоҳлик — давр талаби

Нақл қилинишича, муқаддас китобларда инсон туғилмасиданоқ, қачон туғилиши, ким бўлиб вояга етиши-ю қандай ишлар қилиши белгилаб қўйилган экан. Шундай бўлса-да, айримлар келажакларини ўзлари яратиб, ҳаёт йўлиларини ҳам ўзлари танлашади. Йўқса, туғилганида зилол сувдек беғубор ва покча, яхши-ю ёмоннинг фарқига бормайдиган, ҳар қандай гуноҳлардан мусово гўлак вояга етгач, жиноят содир этиб судланиши-ю унга имконият берилиб, жиноят иши амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилса-да, яна жиноятга қўл уришини қандай ихлошаш мумкин?! Ана қанақа жиноят денг, одам савоиси дея аталувчи иллатга...



Бухоро вилоятида туғилган Сожида Ҳасанова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундай кимсалардан бўлиб чиқди. Икки нафар фарзанднинг онаси бўлиши бу аёл ёши қирқдан ошганда, яна суднинг қора курсисидан жой эгаллади. Пул топишнинг жирканч йўлини танлаган С.Ҳасанова ўтган йилнинг январь ойида таниши Фарида Солиевага Москва шаҳридаги дугоналарининг алоҳида уйлари борлиги, агар астойдил "меҳнат" қилса, яхшигина даромадга эга бўлишини айтиди ва топган пулининг ярмини ўзига беришини таъкидлайди. Фарида ҳам ичидан жон деб турган эканими, таклифга бажонидил рози бўлади. Икковлон Москвага йўл олишади ва Сожида у ерда Фаридани Ира ҳамда Соня исмли аёлларга рўпара қилади. Шундай қилиб Фарида

февраль ойидан июлгача Россия пойтахтида яшаб, "тирикчилик" билан шугулланади ва топган даромадининг ярмини келишилганлидек Сожидага тутқазади.

Фаридани синовдан ўтказиб Сожида энди унга ҳамкорликни таклиф қилади, яъни келишган, ёш қизларни топиб, "иш"га жалб қилишда ёрдам беришини сўрайди. Унинг розилигини олган, Қизилтепа туманилик ҳамда Навоий шаҳрида яшовчи у нафар қизни тузоғига илтиришига муваффақ бўлади. Икки ҳамкор номзодларга Москвадаги шарт-шароитларни сўзлаб, уйга қайтган, топган даромадларига бемалол машина-ю уй-жой сотиб олишлари мумкинлиги ҳақида оғиз кўпиртиришади. Шукри, уларнинг бу сай-ҳаракатлари бесамар кетади, баъзи сабабларга кўра режаларини амалга оширолмайдилар.

Шундай қилиб, одамфурушларнинг гараз ниятларини ўз вақтида пайқаб, бу ҳақда тегишли идораларга мурожаат қилган фуқаронинг сай-ҳаракати билан яна бир жиноятнинг олди олинди.

Суд томонидан айбланувчилар Сожида Ҳасанова ҳамда Фарида Солиевага қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

Худойберди НОРҚОБИЛОВ,  
Навоий вилоят прокуратураси  
бўлим прокурори

Кўп ўтмай Зарафшон шаҳрида истиқомат қилувчи бир қиз уларнинг гап-сўзларига маҳлиё бўлиб, қандай қилиб йўлга отланишга рози бўлганини ҳам билмади. Аммо вақтида эс-хушини йиғиб олиб, уларнинг кирдикорлари ҳақида тегишли органларга мурожаат қилади...

Сафарга тайёрларлик арасида номзод самолёт чиптаси учун пули камроқ эканлигини айтиб, Сожидага 200 минг сўм тутқазади. Ўз навбатида Сожида уни хотиржам қилиб, чиптани ўзи олишини, унга Фарида ҳамроҳлик қилишини айтиди ва фуқаролик паспортини олиб қолади. Орадан уч-тўрт кун ўтган, Сожида кўнғирок қилиб, йўлга чиқиш вақти бўлганини хабар қилади. Аэропортга киришларидан олдин Сожида унга ичкарига киргач, алоҳида юришлари кераклиги, агар бирор гап бўлса, бир-бирларини танимасликларини қайта-қайта таъкидлаб, паспорти билан чиптани беради.

Учовлон бирин-кетин аэропорт биносига кириб келишади. Рўйхатдан ўтиб, кутиш залида ўтирганлариде, фуқаролик кийимидеги ходимлар келиб, ўзларини таништиришади, ҳужжатларини сўрагач, алоҳида хонага таклиф қилишади...

Шундай қилиб, одамфурушларнинг гараз ниятларини ўз вақтида пайқаб, бу ҳақда тегишли идораларга мурожаат қилган фуқаронинг сай-ҳаракати билан яна бир жиноятнинг олди олинди.

Суд томонидан айбланувчилар Сожида Ҳасанова ҳамда Фарида Солиевага қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

Қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим бўлган шахс қонунбузарлик содир қилса, бунга қанадай баҳолаш мумкин? Устига-устак, у бошқаларнинг ҳам қонунларга риоя қилмаслиги учун шароит яратиб берса-чи?!

## Телефонга алмашилган виждон

Жасурбек АҲМЕДОВ,  
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ойбек Бобожонов 2011 йил 2 сентябрдан 2013 йил 27 августга қадар Урганч шаҳар Давлат солиқ инспекцияси "Участка солиқ инспекторлари фаолиятини ташкил этиш ва яқна тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш" шўъбаси Давлат солиқ бош инспектори лавозимига ишлаб келган. 2013 йилнинг 1 июль кунидан "Урганч марказий деҳқон бозори" ОАЖ ва Урганч шаҳридаги 10-маҳалла худудида солиқ инспектори сифатида бириктирилган. Участка солиқ инспектори сифатида хизмат вазифаларига ўзига бириктирилган худуддаги яқна тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб боришларини назорат қилиш, яқна тартибдаги тадбиркорларнинг тегишли ҳужжатлар асосида фаолият юритишларини таъминлаш ва бошқалар киришини билгани ҳолда О.Бобожонов бу талабларга бутунлай зид фаолият олиб борди.

Ўтган йилнинг август ойида О.Бобожонов бозордаги тадбиркорларнинг гувоҳнома ва патентлари бор-йўқлигини текшириб, уяли телефон савдоси билан шугулланувчи Ойбек Матрасулов исмли тадбиркорнинг ҳужжатларида камчилик борлигини билди қолди.

— Ака, қўлаб юборинг, менда ҳам қолиб кетмайди, — тадбиркор бошқа нима ҳам дерди.

Бу солиқ инспектори учун айна мудоао бўлди.

— Битта телефон берсангиз, қонуний чора кўрмаймиз. Савдони бемалол давом эттираверасиз.

О.Матрасуловда О.Бобожонов истаган телефон йўқ эди. Солиқ инспектори ҳар кун тадбиркорнинг ҳузурига келиб, у айтган телефон келган-келмаганини сўрай бошлади. Шу боис тадбиркор бошқа танишларидан олиб беришни ваъда қилди. Орадан икки-уч кун ўтиб, солиқ инспектори ва тадбиркор Урганч марказий савдо уйи биноси олдидаги машиналар вақтинча тўхташ жойида учрашди. Ш.Худойбергенов исми йиғида О.Бобожоновга маъул келадиган "Артел" русумли телефон аппарати бор экан. Баҳоиси 400 минг сўмга келишиди.

— Пулни адашим тўлайди, — дея О.Бобожонов раҳматни насия қилганча жўнаб қолди.

Маълум бўлишича, О.Бобожонов "Урганч марказий деҳқон бозори" ОАЖ худудида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи гувоҳнома (патент) олмадан фаолият кўрсатиб келаётган бошқа шахслардан ҳам уларга нисбатан қонуний чора кўрмаслик ва уларни патентсиз тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қўллаб-қувватлаб, раҳнамолик қилиш эвазига пул олиб келган. Хусусан, қабоб пишириб сотувчи Насиба исми аёлдан 100 минг сўм, парфюмерия маҳсулотларини улғуржи сотадиган Темур исми шахсдан 200 минг сўм, колбаса маҳсулотлари сотувчи Нигора исми аёлдан 200 минг сўм олганлиги аниқланди.

Ҳа, пулни виждондан устун қўйишнинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. О.Бобожонов қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.



# Мафкуравий глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятлари

Абаулма Қаҳҳор хотираларида ўзи ўша вақтда яшаб турган қишлоқ аҳолиси 1914 йилнинг сентябрийда бошланган Биринчи жаҳон уруши тўғрисидаги хабарни фақат тўрт ойан сўнг, 1914 йилнинг декабрийда эшитганини ёзда. Бугун эса, ундан фарқли равишда кишилар ер юзининг исталган нуқтасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тезкор хабардор бўлиш билан бир қаторда, дунёнинг исталган бошқа бир чеккасида юбориш имкониятига эга.

**Ю**ртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидланганидек, бугун биз тез суръатлар билан ўзгариш бораётган, инсоният хозиргига қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонада яшамокдамиз. Давлат ва сийсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изохламоқда.

Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат бор. Чунки уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайси бир белги-аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликининг онгиде бу давр глобаллашув даври тарихисиде таассурот уйғотмоқда. Бу даврда глобаллашув жараёнининг кундалик ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келатганининг асосий омилли ва сабаби хусусиде гапирганда тан олиш керакки, бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тарраққети ва равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшилар, балки жаҳон миқёсиде бошқа минтақа ва худудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораётгани, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда, глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демокдир.

"Глобаллашув" сўзи французча "global", лотинча "globus" "ер шари", бутун ер шарини қамраб олган, умумжаҳон, ҳар томонлама, тўлиқ, энг умумий, универсал маъноларини англатади.

Тарихда "глобализация" терминининг пайдо бўлишини америкалик социолог Р.Робертсон номи билан боғлашадди. У 1985 йилда "глобализация" тушунчасига изоҳ беради, 1992 йилда эса ўз концепциясини китоб ҳолда чоп этади.

Глобаллашув — алоҳида инсонлар ва умуман цивилизацияларнинг глобал масштабда сифат жиҳатдан ўзгариши, ўзаро алоқадорлигининг ўсиб боришини ифодаловчи ноёб жараёнидир.

Глобаллашув даври. Иجتимой ҳаётнинг турли соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар мафкура жаҳхасидеги глобаллашувни ҳам келтириб чиқармоқда.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларининг тақомиллашуви, янги техник ва технологик тизим-

ларнинг юзага келиши натижасиде унга Ер юзининг барча минтақалари тартилангани, ғоявий таъсир ўтказиш ва мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодалайди.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намойен бўлмоқда. Биринчидан, муайян худудда юзага келган, умуминсоний мазмунга эга кадриятлар, маънавий-маърифий неъматлар ўзи шакланган тарихий макон доирасидан чиқиб байналмилаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Иккинчидан, иجتимой, иқтисодий, сийсий, маънавий-маданий ривожланиш даражасидеги турфа хиллик, этник, маданий, конфессонал, синфий, ирқий, худудий, минтақавий ёки бошқа шакллардаги ўзига хосликларни мутлақлаштириш инсоният истиқболига жиддий ҳавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувиға олиб келмоқда.

Шу маънода, глобаллашув бу, аввало, ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демокдир. Бирон-бир худуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сийсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини домий равишда сезиб яшамокда. Бу жараённинг яна бир муҳим хусусияти ғоявий курашнинг фарз максадлар ва иқтисодий манфаатлар билан чирмашиб кетаётганидир.

Муайян гуруҳ, халқ, жамиятнинг мафкуравий таъсир доирасига тартишга уринишлар ҳамма вақт бўлган. Тарихга назар ташласак, бу жараён жамият ривожланиб бориши билан бирга чуқурлашиб, кенг камровлилик касб этиб борганини кўраемиз. Хусусан, хозирги даврда мафкуравий таъсир ўтказиш узининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туришини кўриш мумкин.

Мафкуравий глобаллашув савияси паст, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган "санъат асарлари"нинг кенг тарқалишиға замин яратмоқда.

Ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчанлиги ҳамда бўш вақт ресурсларға эгаллиги туфайли юксак коммуникатив фаоллик кўрсатишидади. Уларга хос бундай хусусиятлар салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу уларнинг "юмошқ эротика"дан тартиб, "очик порнография" гача, тажовузорликдан тартиб, очик ваҳшийликкача бўлган ҳодисаларни ўзида муҷассам этаётган, турли шакллар ва "ғўзал" кўринишларда инсон

онгига кучли таъйик ўтказадиган кинообразлар ёрдамида тобора фаолроқ амалга оширилаётган агрессив ғоявий таъсирға берилиб кетиш ҳавфининг мавжудлиги билан белгиланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "...онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йирткичлик, шафқатсизликни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қогади, калбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонлариға кўр-кўрона тақид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки, улар бундай уйдирма талкинлар таъсирда кўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларға олиб келишини тушуниб етмайди".

Мутахассислар фикрича, инсоният бугунги кунда янги ахборот иқлибони бошдан кечирмоқда ва у кишилик жамияти тарихидаги биринчи иқлиб эмас. Нутқинг шаклланиши ахборот узатиш имкониятларини кенгайтирган бўлса, ёзувининг пайдо бўлиши уни узоқ вақт давомида сақлаш ва ахборотни унинг яратувчисидан ажратган ҳолда улкан масофаларға етказиш, ҳатто замонароо олиб ўтишиға йўл очди. Газета ва журналлар нашр этишининг йўлга қўйилиши ёзма ахборотни узатишдаги тезкорлик ва қамровлиликни янада кенгайитди. Радио ва телевидение эса, ахборотни овоз ва таъсир орқали узатиши таъминлаб, уни янада янги сифат босқинчиға кўтарди. Оғаб бу сўз, образлар, муסיқа ва шу каби шаклларда ахборотларнинг тезликда узатилиши ва оммавий тарқатилишини таъминлашға хизмат қилади. Бундай воситаларға оммавийлик, даврийлик, тингловчи ёки ўқувчилар аудиториясининг кенглиги каби хусусиятлар хосдир. Шу нуктаи назардан қараганда, ОАВ имконияти ва қамровининг кескин даражада ўсганини таъкидлаш зарур.

Оммавий ахборот воситаларининг қамров даражаси, бошқача айтганда, маҳаллий, умуммиллий, минтақавий ёки халқаро (глобал) миқёсда фаолият кўрсатиши ҳам унинг таъсир доирасини кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Глобаллашув жараённинг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, хозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишининг ниҳоятда ўткир куралиға айлиниб, ҳар хил сийсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қиლაётганидир.

Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланди. Хозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Интернет кишилар ҳаётининг ажралмас қисмиға айлиб бормоқда. 1 миллирдан 250 миллион киши у ёки бу даражада ундан фойдаланиши ҳам мазукур фикрларнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, интернет бир қатор салбий жиҳатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Унда ўз-ўзини ўлдирешнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 мингдан, эротик мазмунға эга 4 мингдан зиёд сайтларнинг мавжудлиги ҳам бунинг исоботи бўла олади. Мутахассислар ўтказган махсус таъкиқотлар, барча мавжуд сайтларнинг тахминан 12 фоизи порнография характерға эгаллигини кўрсатади. Мавжуд махсус дастурлар интернет тармоғидаги порнографиянинг фақат 90 фоизиниға филтралиди, яъни компьютердан фойдаланувчининг ихтиёридан ташқарида экранда пайдо бўлиши йўлиға тўсиқ қўя олади. Демак, канчалик ҳаракат қилинмасин, порнография мазмунға эга сайтлар интернетдан фойдаланувчиларнинг хоҳиши истагидан қаты назар, уларнинг ихтиёрини тарта олади. Жумладан, таъкиқотларда 42 фоиз болалар ва ўсмирлар оналяин порнография таъсирига тушиши қайд қилинади.

Шунингдек, мутахассислар маълумотларига кўра, интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи сезиларли даражада зўравонлик ва ёвузлик кўринишиға эга, 41 фоиз жангари (турли отишмалар ва портлашларға асосланган) ўйинларда эса, ўйин қаҳрамони ўз мақсадиға етишиш учун шундай зўравонлик ва ёвузлик содир этади. 17 фоиз ўйинларда ана шу зўравонлик ва ёвузликнинг ўзи бош мақсад ҳисобланади.

Интернет ривожли, у бераётган имкониятлар ўзига хос қарамлиқни ҳам келтириб чиқармоқда. Маълумотларға кўра, дунё бўйича интернетдан фойдаланувчиларнинг тахминан 10 фоизи унга мустаҳкам боғланиб қолган.

Интернетдан манфаатдор иجتимой-сийсий кучлар фарз мақсадларда ҳам усталик билан фойдаланаётганини таъкидлаш зарур.

Оммавий ахборот воситаларининг мафкуравий жараёнлар ривожига ўзига хос ва кучли таъсир ўтказётганини кўйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Маълумки, бугунги кунда интернет оммавий ахборот ва коммуникация тизимининг энг тез ривожланиб бораётган бўғини ҳисобланади. Унинг ғоявий кураш ва тарғиботнинг асосий майдониға айланганини экстремистик, шу жумладан, диний экстремистик қарашларни тарғиб қилишдаги ўрни мисолида ҳам кўриш мумкин.

Диний экстремистлар ва террорчиларнинг интернетдаги сайтларида тарқилотнинг мақсади, тарихи ҳамда иجتимой-иқтисодий, сийсий мазмундаги маълумотларға кенг ўрин берилади. Жумладан, террорчилар куч ишлатиши йўлиға ўтишиға гўёки мажбур бўлганликларини асослашға, террор ва кўпуровчилик қаракатларини маънавий ва ахлоқ жиҳатдан оқлашға интилишади. Бунда ўзларини "озодлик курашчилари", "партиялар", "қаршилик кўрсатувчилар" деб атаган ҳолда тинчлик тарafdорли қилиб кўрсатишға ва улар билан курашда ҳукумат тинч йўл билан ҳара-

**Фахриддин БЕҒАШЕВ,**  
Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокурори

кат қилиш лозимлигини асослашға интилиш кенг тарқалган. Улар ўз сайтларида ҳукумат тарafdидан қўлланилаётган методларнинг "ваҳшийлигини" ёритишға ҳам алоҳида эътибор берадилар.

Тезор ахборотлар, янгиликларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча тилда ва террорчилар учун фойдали бўлган йўналишда бериб борилиши, уларнинг фаолиятини оқловчи, "қаҳрамонлигини" кўйловчи қўшқлар, клиплар берилиши бундай сайтларнинг мафкуравий ҳамда эмоционал таъсир кувватини оширишға хизмат қилади. Бундай сайтлар, бир томондан, террорчилик тарқилотнинг фаол аъзолариға, иккинчи томондан, террорчиларнинг асл мақсад-муддаоларини билмайдиган, уларни "курашчилар", "оппозиция" ва шу каби ижобий мақом ҳамда сифатда қабул қилишға ўргатган одамларға мўлжалланган бўлади. Улардан жамиятда тегишли иجتимой фикрни шакллантириш ва қарама-қарши (душман) томонға психологик таъсир кўрсатиш, кўрқув, ваҳима тарқатиш орқали ички иккиланишни келтириб чиқаришдек мақсадлар кўзланади.

Ана шундай шароитда ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш учун ҳам виртуал оламда фаол ҳаракатлар олиб боришимиз зарур. Шундан келиб чиқиб, кўпгина мамлакатлар ахборот соҳасида устуворлиқни таъминлашни стратегик мақсадларға эришиш, миллий ҳавфсизлик ва барқарор тарқайётганини таъминлашнинг асосий йўллари билан бири сифатида эътироф этмоқдалар. Чунки, "Кимки ахборотқа эга бўлса, у дунёға эгаллик қилади", — деган фикр бугунги кунда барча томондан эътироф этилган. Шундай экан, ҳар бир фуқароимизда ахборот олами имкониятларининг ақилона фойдаланиш малакасини шакллантириш, уларда ахборот истеъмолчи маданиятини тарбиялаш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга. Бунинг учун эса энг аввало, ҳар бир инсон у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда "Бу ахборотни ким узатапти?", "Нима учун узатапти?" ва "Қандай мақсадда узатапти?" деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жаваб топиши керак бўлади. Ана шунданга турли ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олди олинади.

Кишиларда ахборот истеъмолчи маданияти шаклланган бўлса, миллий кадриятларимизға зид бўлган хабар, маълумотларни баҳолаш пайтида, албатта, ҳар бир шахсининг ўз қарашлари, қадриятлар тизимининг муҳим роль ўйнайди. Бир сўз билан айтганда, бундай вазиятларда одам ўз шахсий мустиқил фикриға, замонар синовидан ўтган ҳаётий миллий кадриятларға, соғлом неғизда шаклланган дунёқараш ва мустиқил иродаға эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларға, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол.

**Диққат! Диққат! Диққат!**  
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилояти худудий бошқармаси оммавий офертага таклиф этади. Қуйидаги давлат активлари бўйича оммавий оферта эълон қилинади.**

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активи	Жойлашган манзили	Этаблб турган майдони		Бошлангич нархи (сўмда)	Олинган тўланадиган закат пули миқдори (сўмда)	Буюртма мallerни қабул қилиниш бошлангич санаси	Буюртма мallerни қабул қилиниш тугаш санаси	Савдо санаси
		Умумий	Қуриш ости					
Хонка тумани ҳокимлиги ҳисобидаги маъмурий бино ва ишоотлар	Хонка тумани, "Навхос" кишлоғида	633,39	633,39	224 600 000,0	33 690 000,0	08.05.2014 й.	11.06.2014 й.	11.06.2014 й. соат 12:30
Хива тумани ҳокимлигининг "Касаначиликни ривожлантириш" бўлими ҳисобидаги эски фуқаролар йиғини уйи биноси	Хива тумани "Журён" кишлоғида	293,88	293,88	126 100 000,0	18 915 000,0	08.05.2014 й.	11.06.2014 й.	11.06.2014 й. соат 14:30
Богот тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Ветеринария бўлимига қарашли Богот тумани Ветеринария участкаси	Богот тумани, Наруз кўчаси 20-уй	85,0	82,0	28 700 000,0	4 305 000,0	08.05.2014 й.	11.06.2014 й.	11.06.2014 й. соат 15:30

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олин-сотди шартномаси тузилади. Талабдорлар давлат активи бошлангич нархнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олинган Сотувчининг қуйидаги банк реқвизитларига закат пулини тўлашлари лозим:  
 Олувчи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги; Олувчининг ҳисоб-рақами: 23402000300100001010;  
 Олувчининг банки: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб китоб-қасса маркази; СТИР: 201122919; ОКОНХ: 97300; Олувчининг банк коди: 00014. Шунингдек, тўлов топшириқномасининг "тўлов мақсади" қисмида шахсий ҳисобварақ 20042186033401000000000001, "Давлат рақобат қўмитаси Хоразм вилояти худудий бошқармаси" деган ёзуви ва тўловни амалга ошириш учун асос ҳамда 3512113 даромад коди кўрсатилиши лозим.

Билдиришномада кўрсатилган санада очилади. Оммавий офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабдор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда оммавий офертага қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:  
 — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий офертага қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;  
 — жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил оммавий офертага қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;  
 Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закат тўланганлигини тасдиқлайдиган қонун ҳужжатининг нусхаси;

Оммавий оферта шартларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги өзгича ёшштирилган конвертларга солинган таклифлар:  
 — сотиб олинш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;  
 — инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;  
 Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабдорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Мурожаат учун манзил: Урганч шаҳри Ал-Хоразмий кўчаси 23-уй. Маълумотлар учун телефонлар: (8 362) 226-16-55; 224-04-60; Фа кс: (8 362) 226-81-68, 224-04-60; E-mail: khorezm@gki.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz. Ҳурматли талабдорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқилган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Илоҳч телефонни та зудлик билан хабар беришингиз сўралди!"

**Савдоларга марҳумат қилинг!**  
 Хизматлар лицензияланган

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

Савдога "Кафолат" ДАСК ОАЖ Самарқанд вилояти филиалининг 2014 йил 6 майдаги 141-сонли буюртманомасига асосан, "Кафолат" ДАСК ОАЖ Самарқанд вилояти Оқшош бўлимига қарашли Самарқанд вилояти Нартай тумани Оқшош шаҳри К.Суюнов кўчаси 18-уйда жойлашган, умумий ер майдони 400,0 кв.м., қурилиш ости майдони 91,39 кв.м.дан иборат Илора биноси қўйилмоқда. **Илора биносининг бошлангич баҳоси — 21 683 200 сўм.** Мазкур бино ва унга тегишли ҳужжатлар билан Сотувчи иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. **Сотувчининг манзили:** Самарқанд шаҳар, Пушкин кўчаси 15-уй.  
**Савдо 2014 йил 9 июль кунини соат 11:00да бўлиб ўтади.** Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабномалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Талабномаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2014 йил 6 июнь соат 18:00.

соат 18:00, 2014 йил 9 июлдаги савдо учун 2014 йил 8 июль соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси якунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.  
 Савдо натижасига кўра олин-сотди шартномасини тузиш ва у бўйича тўловларни амалга ошириш муддати сотувчи томонидан белгиланади.  
 Талабдорлар мўлк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "КМСХ" МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ "Ипотeka банк" Кўқсарой филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020800604920609025, МФО:00262, ИНН:207122519.  
 Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават, 205-хона. Тел: (факс) (8366) 233-80-56. Расмий сайтимиз: www.lkms.uz. Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА

# Qishloq Qurilish Bank

## Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

**Миллий валютада:**

- "Янгилик" — омонатта маблағлар 3 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- "Фойда" — омонатта маблағлар 3 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- "Файзли" — омонатта маблағлар 4-6 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- "Даромадли" — омонатта маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- "Талаба" — омонатта маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.

**Хорижий валютада:**

- "Финанс" — омонатта маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.
- "Капитал" — омонатта маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- "Фортуна" — омонатта маблағлар 1 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.
- Бундан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш жараёнида улар бўйича тўланадиган коммунал тўловларини тўлашда қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги янги махсус оқори фоизли омонат турлари жорий қилинган:**
- "Қулай тўлов" — омонатта маблағлар 6 ойга қабул қилинади ва омонатта ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.
- "Техамкор" — омонатта маблағлар 1 йилга қабул қилинади ва омонатта ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.
- "Коммунал" — омонатта маблағлар 24 ойга қабул қилинади ва омонатта ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.

**Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.**

№	Филиаллар	Код	Телефон
1.	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(371)	150-77-21
2.	Тошкент вилояти минтақавий филиали	(371)	150-79-19
3.	Андижон минтақавий филиали	(374)	222-23-72
4.	Фарғона минтақавий филиали	(373)	229-70-91
5.	Наманган минтақавий филиали	(369)	223-04-37
6.	Бухоро минтақавий филиали	(365)	223-92-21
7.	Самарқанд минтақавий филиали	(366)	210-02-49
8.	Қашқадарё минтақавий филиали	(375)	771-04-26
9.	Сурхондарё минтақавий филиали	(376)	770-83-72
10.	Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(361)	224-22-15
11.	Хоразм минтақавий филиали	(362)	227-48-15
12.	Сирдарё минтақавий филиали	(367)	221-00-71
13.	Жиззах минтақавий филиали	(372)	771-63-38
14.	Навоий минтақавий филиали	(436)	770-27-97

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- ✓ маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ✓ эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ✓ миқдори чекланмаган!

**Мурожаат учун телефон-нолар:**  
 (+99871) 150-76-53, 150-39-93  
**www.qqb.uz**

Хизматлар лицензияланган

**Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизмати!**





# Декларация қачон топширилади?

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратаётган алоҳида эътибор натижасида аҳолининг реал даромадлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтириш ҳамда уни эркин тасарруф этиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.**

Жумладан, жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқари бошқа корхона ва ташкилотларда ўриндошлик асосида меҳнат қилиб ҳамда ўзига тегишли мол-мулкни ижарага бериш орқали қонун билан таққидланмаган фаолиятлар билан шугулланиб, чекланмаган миқдорда даромад олиши мумкин. Олинган даромадлар қонунчиликда белгиланган тартибда солиққа тортилади. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш муносабатлари Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар асосида тартибга солинади.

Маълумки, жисмоний шахслар даромадлари бўйича жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар тоифасига мулкний даро-

мадлар, жисмоний шахсларнинг фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганилик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олган даромадлари, асосий бўлмаган иш жойидан олинган молдий наф тариқасида, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар киреди.

Агар жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадидан унинг аризасига кўра, солиқ энг юқори ставка асосида ушлаб қолинган бўлса, декларация тақдим этилмайди.

Мол-мулкни ижарага бериш орқали даромад олаётган жисмоний шахслар томонидан ижарадан даромадлар пайло бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугагандан кейин беш кунлик муддатда дастлабки декларация ҳамда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай доимий яшаш жойидаги

**Соҳибжон СОҲИБОВ,**  
Анджон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этилади. Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма хабардор этиши керак.

Декларация ўз вақтида тақдим этилмаса, давлат солиқ хизмати органи мавжуд маълумотлар асосида жисмоний шахс томонидан тўловчи лозим бўлган солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблаш ва солиқ тўловчига тўловчи лозим бўлган сумма тўғрисида билдиришнома бериш ҳуқуқига эга.

Даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган ёки уни атайин нотўғри маълумотларни кўрсатган ҳолда тақдим этган фуқароларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима қўлланади.

**Марғилон шаҳрида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 62 та корхона, ташкилот ва муассасалар бўш иш ўринлари билан иштирок этиди.**

## Битирувчилар ишли бўлишди

Ушбу ярмарка шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкиллаштирилди. Тадбирда аҳолининг вақтинча ишсиз қатлами, коллеж битирувчилари, жазони ўташ жойларидан озод этилган шахслар иштирок этилди.

Жумладан, ишга кириш ниятида ярмаркага ташриф буюрган фуқаролар "Гранд киббо" масъулияти чекланган жамияти, "Ойнурбетим сервис" хусусий корхонаси, "Марғилон бўёғи" қўшма корхонаси, ободонлаштириш бошқармаси томонидан тақлиф этилган бўш иш ўринлари билан ўз мутахассисликлари бўйича яқиндан танишилди. Натижанда 58 киши, жумладан, 30 нафар коллеж битирувчиси билан корхона, ташкилотлар ўртасида шартномалар тузилиб, йилит-қизлар иш билан таъминландилар.

Шу кунги корхона ва ташкилотлар мутахассислари бўш иш ўринлари, корхонада мавжуд шароитлар ҳақида меҳнат ярмаркасига ташриф буюрган фуқароларга зарур маълумотлар ҳамда ҳуқуқий маблағлар беришди.

**Муҳаммадхон МАҲМУДОВ,**  
меҳнат факрийси

РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА \* РЕКЛАМА

# ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк (ОАЖ)



**яқинлашиб келаётган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:**

## «ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади. Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 турдаги миллий ҳамда хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Кашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**«Асака» банк (ОАЖ) сармомангиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

Хизматлар лицензияланган

**Huquq**  
yuridik gazeta  
Muassis:  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir:  
**Jahongir Jur'atovich MAKSUMOV**  
Tahrir hay'ati:  
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV  
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV  
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul ko'nb)

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85  
E-mail:  
huquq@huquq-gazeta.uz  
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda kelishtirilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqzir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtasi nazardan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
□ — tijorat materiali.  
Reklama materiallarining mazmuni uchin tahririyat javobgar emas.  
Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma j-9846.50 084 nusxada bosildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: G. ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BOBOJONOV  
Navbatchi: O. DEHQONOV  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 12 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
ISSN 2010-7617  
9 772010 761004